

---

Байрамга яна бир муносиб тухфа: “Элчи” маҳалласидаги мактаб 330 ўринли янги ўқув биноси ва замонавий спорт залига эга бўлди

Янги йил байрами арафасида Ўзбекистон тумани “Элчи” маҳалла фуқаролар йиғини Ғани қишлоғида жойлашган 38-умумтаълим мактаби учун 330 ўринли янги ўқув биноси ҳамда 12x24 ҳажмдаги замонавий спорт зали фойдаланишга топширилди.

Кўркам тус олган муассасанинг очилиш маросимида туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев бошчилигидаги сектор раҳбарлари, таълим соҳаси мутасаддилари ва кенг жамоатчилик иштирок этди. Бундан 50 йил аввал 240 ўқувчи ўрнига мўлжаллаб қурилган мактабда сўнгги вақтларда 300 нафардан зиёд ўқувчи икки навбатда таҳсил олишаётган эди.

Давлат инвестиция дастури доирасида билим даргоҳи учун 3 қаватли 330 ўринли янги ўқув биноси ва 12x24 ҳажмдаги спорт зали бунёд этилди. Мазкур ишларни амалга ошириш учун 3 миллиард 640 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

2024-12-27 11:00:44